

СУРХОН ВОҲАСИДАГИ АЙРИМ ҚАДИМИЙ МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ МЕЪМОРИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Шарипов Баҳодир Холбоевич

Термиз давлат университети катта ўқитувчиси

Эрданов Панжи Нуралиевич

Термиз давлат университети ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Сурхондарё вилояти худудидаги сақланиб қолинган айrim қадимий меъморчилик иншоотлари, кулолчилик, заргарлик каби моддий амалий санъат ҳисобланмиш қадимий ва шунинг билан бирга замонавий маданият ҳақида, қадимий ибодатхоналар, қадимий шаҳарсозликнинг ҳозирги замон архитектураси ва шаҳарсозлигигача алоқадор бўлган архитектура элементлари ва уларнинг янги давр меъморчилигидаги ўрни ҳақида ёритилмоқда. Бу билан қадимий шаҳар марказлари, шаҳар деворлари, аҳоли яшаш худудлари, аҳоли яшаш тарзи, аҳолининг меҳнат фаолияти, ҳамда уларнинг ҳозирги давр меъморчилигидаги ўрнини, соҳага қизиқувчилар омасига тақдим этишни хоҳладик. Қадимий архитектура ва шаҳарсозлигимиз ҳақида маълумот бериш, архитектура, шаҳарсозлик, бино-иншоотлар архитектураси йўналишида, кўприкларни, йўлларни лойиҳалаш ва қуриш бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг соҳага бўлган қизиқишининг ошишига сабаб бўлади. Илмга чанқоқ талабалар ва ёш мутахассисларга, тарихни ўрганиб, келажак архитектурасини яратиш йўлидаги изланишларида омад тилаймиз!

Abstract: This article is about some ancient architectural structures preserved in the territory of Surkhandarya region, such as pottery, jewelry, ancient and modern culture, ancient temples, elements of ancient architecture related to modern architecture and urban planning and their place in modern architecture. illuminated. In this way, we wanted to present the ancient city centers, city walls, residential areas, lifestyle, labor activity of the population, as well as their place in modern architecture, to those interested in the field. Providing information about our ancient architecture and urban planning will increase the interest of students in the field of architecture, urban planning, building architecture, design and

construction of bridges, roads. We wish science-hungry students and young professionals the best of luck in their research into history and the creation of the architecture of the future!

Калит сўзлар: Қалъа деворлари - қадимда ғишт билан ўралган шахар атрофи деворлари, аҳолини турли ташқи хавф-хатарлардан ҳимоя қилиб турган. Будда ибодатхоналари- қадимий буддистлар сигинадиган манзилгоҳлари. Қадимий меъморчилик - қадимий даврлар архитектурасининг ҳозирги давр архитектураси адабиётларидағи аталиши. Монументал ёдгорликлар - ҳайкалчалар, ўйма ва бўртма тасвирлар туширилган элементлар.

Keywords: The fortress walls are ancient suburban brick walls that protected the population from various external dangers. Buddhist temples- are places of worship for ancient Buddhists. Ancient architecture- is the name given to the architecture of ancient times in the literature of modern architecture. Monumental monuments - elements with statues, carvings and embossed images.

Сурхондарё вилояти худудидаги қисман сақланиб қолган меъморчилик бино ва иншоотлари, тўлиқ сақланиб қолинган меъморчилик бино ва иншоотлари, кулолчилик, кошинкорлик каби моддий амалий санъат ҳисобланмиш қадимий ва шунинг билан бирга замонавий маданият белгилари, ҳайкалтарошлиқ ва заргарлик каби амалий безак санъати ҳисобланмиш қадимий меъморчиликнинг элементлари, уларнинг қадимий меъморчилик ҳамда ҳозирги замон архитектураси ва шаҳарсозлигига тутган ўрни бетакрор.

Ўрта Осиё халқларининг сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётида қадимдан шаҳарларнинг барпо этилиши муҳим ўрин тутган. Шаҳарлар бир неча минг йиллар давомида шаклланган ва ривожланган давлатчилик анъаналари ва маҳаллий аҳоли турмуш тарзини акс эттирувчи мезонлардан биридир. Қадимдан, кишилик жамиятида аҳолининг жойлашуви ва демографияси, ижтимоий-иктисодий ҳаётининг даражаси турлича бўлган, маданий тараққиётнинг айрим жиҳатлари билан бир-биридан фарқланувчи кўплаб катта ва кичик шаҳарлар мавжуд эди. Одатда шаҳар деворлари аҳолини турли ташқи хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш, шаҳардаги ижтимоий-иктисодий ҳаётни осуда бошқариш ва бир маромда сақлаб туришда аҳамият касб этган.

Кўхна Термиз обидалари ўзининг тақрорланмаслиги билан ҳамиша қадимги давр муаллифлари, илк ўрта аср Чин сайёҳлари ва мусулмон даври тарихчиларининг дикқати марказида бўлиб келганлиги кўпгина манбаларда учрайди. Кўхна Термизда дастлабки археологик қазишма ишларига профессор Б.П.Денике (1926-1928-йиллар) бошчилик қилган ва Зурмала, Қоратепа каби ёдгорликларни аниқлаган. Бунда олим шаҳар майдонида милодий VIII асртагача маданий қатламлар мавжуд бўлганлигини исботлаган.

Кенг кўламдаги археологик қазишма ишларининг ўтказилиши профессор М.Е.Массон бошчилигига (1936-1938-йилларда) фаолият кўрсатган Термиз археологик экспедицияси билан боғлиқ.

Термизнинг Кушон даврига оид иншоотлари бу шаҳардаги мавжуд будда ибодатхоналари ва улардан топилган санъат намуналари Осиё ва Ҳиндистон алоқаларини ўрганишда янги саҳифани бошлаб берди. Қадимги Осиёнинг марказий вилоятларини, Қадимги Ҳиндистоннинг шимолий ерлари билан боғлаган "Буюк ипак йўли"нинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган савдо йўли ҳам айни шу кўхна Термиз орқали ўтган.

Кўхна Термиз харобалари ҳозирги Термиз шаҳридан 8-9 км жанубий гарбда, Амударёning ўнг қирғоғида жойлашган. Қарийб 2500 йиллик тарихга эга Термиз Осиё халқлари маданий тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Кушонлар даврида Термиз 350 гектарда жойлашган бўлиб, унинг аҳолиси таҳминан 50 минг кишини ташкил қилган. Ўз даврининг энг йирик шаҳарларидан бирига айланган Термизда қадимги Шарқ маданиятининг илғор йўналишлари уйғунлашган.

Термизнинг қадимги давридаги ички тузилиши ҳақидаги маолумотлар жуда чекланган. Сабаби у даврда қурилган иморатлар кейинчалик текисланган ёки бир неча метр чуқурликда кўмилиб кетган.

Мовароуннахр орқали 630 йилда Термизга келган Сюань-Цян исмли Хитой сайёҳининг айтишича Қадимги Термиз шаҳрининг ҳудуди 20 ли (10 км) ни ташкил этган.

1980 йилдан буён Эски Термизда Ўзбекистон Республикаси ФА Археология институтининг Ш.Р. Пидаев бошчилигидаги Термиз экспедицияси кенг кўламда археологик қазишма ишлари олиб бормоқдалар.

Мазкур экспедиция ходимлари шаҳарнинг дастлабки шаклланиш жараёнларини аниқлаш мақсадида унинг арк қисмида, мудофаа иншоотларида, шаҳар маҳаллаларида, кулоллар устахоналарида кенг кўламда қазишма ишларини олиб бордилар. Натижада милоддан олдинги I-минг йилликдан тортиб, XVII асрга қадар Термиз шаҳри халқларининг моддий ва маънавий ҳаётини ёритувчи кўплаб археологик далиллар кўлга киритилди.

Мазкур экспедиция таркибида Сурхондарёлик археолог олимлар Т. Аннаев, А. Бобохўжаев, Ш.Рахмонов, Ш. Шайдуллаевлар Эски Термиз ёдгорликларини ўрганишда фаол иштирок этдилар.

Сополлитепа Сурхондарё вилоятининг Музрабод тумани Шеробод чўлини кесиб ўтган Ўланбулоқсой ёқасида жойлашган жез даврига оид археологик ёдгорлик бўлиб, у 1968 йилда археолог Л.Альбаум томонидан топилган. 1969–1974 йилларда археолог А.Аскаров томонидан ўрганилган. Сополлитепанинг майдони тахминан 3 гектарни ташкил этиб 1 гектарга яқин марказий қисми мудофаа деворлари билан ўраб олинган.

Сополлитепада ўtkazилган археологик қазишмалар натижасига кўра, унинг марказий қисми мурабба (82x82м) шаклида қурилган қалъадан иборат. Қалъанинг томонлари уч қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган.

Қалъани ўраб олган деворлар тизими ички ва ташқи йўлак вазифасини бажарувчи бўлмалардан ташкил топган. Йўлаксимон қопқонлар 8 та бўлиб, улар қалъа ташқи мудофаа чизиғига параллел қилиб жойлаширилган.

Улар ана шу кўчалар орқали 8 та маҳаллага бўлинган. Қалъа марказида эса очиқ майдон бор. Қалъа дарвозасидан бошланган кенг йўл ва тор кўчалар ана шу майдон билан боғланган.

Хозирги кунда вилоятимизда аниқланиб давлат муҳофазасига топширилган 320 та археология, 20 та архитектура, 220 та дан ортиқ монументал ёдгорликлари мавжуд бўлиб, улар ўз қиммати билан республикамизда салмоқли ўрин эгаллаб турибди. Воҳамизни чинакамига "Очиқ музей" деса бўлади. Бу

ерда кўплаб ранг-баранг обидаларни учратиш мумкин. Уларнинг аксарияти умумбашарий санъат тарихидан муҳим ўрин олган.

Шаҳарлар атрофларидағи қўрғон деворлар шаҳарларни мудофаа қилиш ва шартли равишда маъмурий чизик (чегара) вазифасини ўтаган. Шартлилик шундан иборатки, юқорида айтиб ўтилганидек кўпгина шаҳарлар қўрғон деворидан ташқаридаги теварак билан функционал жиҳатдан чамбарчас боғлиқ бўлган. Кўрғон деворлари қўпроқ пахса ва хом гиштдан қурилган ва қалинлиги тепага қараб ингичкалашиб борган. Девор сиртидан ташқарига чиққан буржлар ҳам функционал – девор тагига келиб қолган душманга ўқ узиш ҳамда бадиий – меъморий девор текислигининг пластикаси вазифаларини ўтаган.

Шаҳарларнинг тархий тизими аксари қуйидагича бўлган. Ўртада шаҳарнинг асосий маркази бўлмиш бозор жойлашган. Бош кўчалар, биринчи даражали кўчалар марказдан радиал йўналишда тарқалган. Улар одатда шаҳарнинг қўрғон деворидаги дарвозалар мавжудлиги билан ажralади ва девор ортида бошқа шаҳар ва қишлоқларга олиб борадиган йўлга айланиб кетади. Бош кўчалар бир мунча тўғрилиги ҳамда бироз кенглиги билан характерланади. Шаҳар деворлари олдида кўп ҳолларда божхоналар жойлаштирилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. "Кўҳна Термиз тарихидан лавҳалар". *Термиз. 1991йил. Т. Аннаев. П. Жўраева*
2. "ДРЕВНЯЯ БАКТРИЯ" *Ленинград. "Наука" 1974г. Отв.ред. В.М. Массон*
3. Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш., Kochnev B. Термиз Буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Тошкент.: 2001.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд, Тошкент.: 2005
5. "Путешествие по Средней Азии". *М. Вамбери A. 1867г.*